

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
№5- СОНЛИ КЕНГАШ БАЁННОМА ҚАРОРИ

Тошкент ш.

27 ноябр 2019 йил

Раис – профессор Ж.А.Ризаев

Котиб –доцент А.А.Юлдашев

Институт Кенгаш раиси, профессор Ж.А.Ризаев куйидаги кун тартиби асосида кенгаш мажлисини очди:

Кун тартиби:

1. Стоматология факультетида ўқув услубий ишлар ҳолати ҳамда уни такомиллаштириш чора тадбирлари

Маърузачи: Стоматология факультети декани Шомуродов Қ.

2. Халқаро ҳамкорлик, хорижий турдош илмий-таълим ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳисоботи

Маърузачи: Халқаро ҳамкорлик ишлари бўйича проректор Ярмухамедов Б.Х.

3. “Ёш олимлар” кенгашининг фаолияти ва истиқбол режалари

Маърузачи: “Ёш олимлар” кенгаши раиси Тўлаганов Ж.

4. Магистратурада ўқитишни ташкил этиш ҳолати ва келгусидаги вазифалар

Ахборотчи: Магистратура бўлим бошлиғи Ризаева С.М.

5. Профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга сайлаш.

6. Ўқув-услубий ишларни тасдиқлаш.

7. Турли масалалар

Кўриб чиқилган кун тартибидаги биринчи масала: Стоматология факультетида ўқув услубий ишлар ҳолати ҳамда уни такомиллаштириш чора

Маърузачи: Стоматология факультети декани Шомуродов Қ.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1 Кафедраларда мавзулар кетма-кетлиги асосида амалий кўникмаларни бажариш учун имкониятлар яратилсин, моддий техник база такомиллаштирилсин (электрон доска, презентатор, лаборатория ишлари учун махсус столлар ва б.)

Масъул – Ишлар бошқармаси бошлиғи, Бош ҳисобчи

Муддат – 2 ой

2. Таркатма материаллар презентация, видеофильм, мультимедияларни янги замонавийлари билан бойитилсин. Марказий ўқув-услубий ҳайъатда маърузалар кўриб чиқилсин ва институт сайтыга жойлаштирилсин.

Масъул – Барча кафедра мудирлари, секция раислари

Муддат – семестр якунигача

3. Дарс жараёнлари: маърузалар ўқиш амалий машғулотлар мавзулари билан мутаносиб ҳолатда олиб борилаётгани бўйича маълумот институт ректорига тақдим этилсин.

Масъул – Ўқув-услубий бўлим бошлиғи, кафедра мудирлари

Муддат – 20 кун

4. Амалий машғулотлар янги ўқув-услубий материаллар билан бойитилсин.

Масъул – Ўқув-услубий бўлим бошлиғи, кафедра мудирлари

Муддат – 20 кун

5. Талабалар фан ўқув-услубий мажмуасида берилган мавзу доирасидан четга чиқмай қолишлари ва ўз устиларида ишлаш жараёнини суствлашганлиги сабабли талабаларни мустақил таълим жараёнлари қайта кўриб чиқилсин.

Масъул – Ўқув-услубий бўлим бошлиғи, кафедра мудирлари

Муддат – семестр якунигача

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Кўриб чиқилган кун тартибидаги иккинчи масала: Халқаро ҳамкорлик, хорижий турдош илмий-таълим ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳисоботи Маърузачи: Халқаро ҳамкорлик ишлари бўйича проректор Ярмухамедов Б.Х.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. ТДСИ профессор-ўқитувчилари хорижга малака ошириш сабабли кетаётганликларида устоз-шогирд анъаналарини тиклаш ҳамда талабаларнинг хизмат харажатлари институт маблағлари томонидан тўлансин.

Масъул – Ўқув ва тарбиявий ишлари бўйича проректор, Факультет деканлари, Ишлар бошқармаси бошлиғи, Бош ҳисобчи
Муддат – Амалиёт давомида

2. ТДСИ профессор-ўқитувчиларнинг ҳар бири бир ўқув йили мобайнида 2020 йилдан бошлаб Scopus да мақола чоп этиши таъминлансин. Буйруқ лойихаси киритилсин.

Масъул – Илмий ва инновация ишлари бўйича проректор
Муддат – 1 ой муддатда

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Кўриб чиқилган кун тартибидаги учинчи масала: Магистратурада ўқитишни ташкил этиш ҳолати ва келгусидаги вазифалар

Маърузачи: Магистратура бўлим бошлиғи Ризаева С.М.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Институтда педагог кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида иқтидорли магистратура битирувчиларини чет элдаги олийгоҳларда PhD дастури бўйича шқишга юбориш чоралари кўрилсин.

Масъул – Магистратура бўлим бошлиғи
Муддат –доимий

2. Мутахассислик кафедралар томонидан соҳага оид янгиликлар, ривожлантириш истиқболлари илмий-тадқиқот ва педагогик фаолиятни янада такомиллаштириш юзасидан иқтидорли магистратура талабаларини хорижий олийгоҳлар ва ишлаб чиқариш корхоналарнинг ўқув марказларига сафарбар этилиши ташкил этилсин.

Масъул – Кафедра мудирлари, Магистратура бўлим бошлиғи
Муддат –доимий

3. Иқтидорли битирувчилар сафидан номзодларни базавий докторантурада фаолиятларни давом эттириш юзасидан чоралар кўрилсин.

Масъул – Магистратура бўлим бошлиғи
Муддат –доимий

4. Финляндиянинг ЈАМК университети билан ҳамкорликда “Соғлиқни сақлаш ва менежмент” мутахассислиги бўйича магистратура кўшма таълим дастури ташкил этилиши таъминлансин.

Масъул – Магистратура бўлим бошлиғи
Муддат – 2019-2020 ўқув йили давомида

5. Кейинги семестрдан латин тили кафедраси ташкил этилсин ва халқаро таълим факультетига бириктирилсин.

Масъул – Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор, ўқув-услубий бўлим, деканатлар
Муддат – бир ой муддат

6. ТДСИ ректори стипендияси низоми тасдиқлансин ҳамда декабр ойидан кучга кириши таъминлансин.

Масъул – Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор, ўқув-услугий бўлим, бош ҳисобчи
Муддат – 2019 йил Декабр ойи

7. С.Д. Асфендияров номли ҚазМТУ ректори т.ф.д., профессор Талгат Нургожин Сейтжановичга ҳамда Жанубий Кореянинг Ёнсей университети доценти, DDS Chun Ui Lee га Тошкент давлат стоматология институти фахрий профессори унвони берилсин.

Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А.М.Хайдаров ва Илмий ва инновация ишлари проректори Р.Амануллаев зиммаларига юклатилсин.

Институт кенгаши раиси
профессор




Ж.А.Ризаев